



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 апрель, № 68 (8963)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Самарқанд шахрида 3-4 апрель кунлари

«Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити бўлиб ўтади.



Илк бор ўтказилаётган саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқиладди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтадиган саммит ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов иштирок этади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2 апрель кунини Самарқанд шахрида саммитда иштирок этиш учун келган Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта билан норасмий учрашув ўтказди.

Учрашувда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» форматидagi биринчи саммитга тайёргарлик масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Европа Иттифоқининг олий мартабали вакили Бухоро шахрига ҳам ташриф буюриб, халқимизнинг маданий-тарихий мероси билан танишди.

2 апрель кунини Самарқандга Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен ҳам ташриф буюрди.

Саммитнинг асосий тадбирлари, делегациялар раҳбарларининг икки ва кўп томонлама учрашувлари 3-4 апрель кунлари ўтказилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЗ СТРАТЕГИК КУН ТАРТИБНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МИНТАҚАГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4 апрель кунини Самарқандда бўлиб ўтадиган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммити олдидан «EuroNews»га 1 апрель санасида берган эксклюзив интервьюси етакчи халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг резонансга сабаб бўлди.

Дунё нигоҳи

Кўплаб хорижий босма ва электрон нашрлар ўз саҳифаларида Ўзбекистон раҳбарининг «EuroNews» саволларига жавобларининг тўлиқ матнини турли тилларда эълон қилди ва бу билан янги Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро кун тартибининг асосий масалалари бўйича позициясига катта қизиқиш борлигини тасдиқлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг интервьюси Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири — «Diplomacy Journal» журналининг, Покистоннинг «Diplomatic News Agency — DNA» ахборот агентлиги, «Daily Islamabad Post» ва «The Daily Big Digit» газеталари томонидан эълон қилинди. Бундан ташқари, мазкур интервью «Индустрия Евразии» ва «Коммерсантъ» (Россия) каби электрон нашрлар, шунингдек, «The Asia Today», «Ekoavryasya», «Ankasam» (Туркия) онлайн платформалари томонидан тарқатилди. Шунингдек, мамлакатимиз етакчисининг интервьюси билан Туркменистоннинг «News Central Asia» янгиликлар порталида, Украинанинг «Kyiv Diplomatic» журналида инглиз ва украин тилларида, Саудия Арабистонининг «Wkrka News», Бельгиянинг етакчи «EU Reporter» нашрларида танишиш мумкин. Ўзбекистон Президентининг интервьюсига бўлган қизиқиш, шунингдек, Буюк Британиянинг «London Post» янгиликлар портали, Хитойнинг «Китай» журналининг, Мисрнинг «Сада ал-Балад» ахборот агентлиги ва бошқа нашрлар ҳам тасдиқлайди.

ЭКОЛОГИК

БАРҚАРОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Бугунги кунда Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини етказиб берувчи стратегик ҳудуд, балки «яшил» энергетика ва экологик барқарорлик йўналишида ҳам етакчи минтақалардан бирига айланмоқда.

Депутат минбари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «EuroNews» телеканалига берган интервьюсида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, углерод чиқиндиларини қисқартириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида улкан режаларни амалга оширмоқда.

Таъкидланганидек, Марказий Осиё мамлакатлари иштиракида амалга оширилаётган Каспий ва Қора

денгиз орқали Европага «яшил стратегик йўлак» барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг ижроси ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институционал платформа сифатида тоза энергетика бўйича Марказий Осиё — ЕИ шериклигини ташкил этиш мумкин.

Учрашув

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА — ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Парламентлараро Иттифоқ котибиятининг Гендер масалалари ва ёшлар бўйича дастурлар раҳбари Зейна Хилол билан учрашди.

Дастлаб мамлакатимизда кейинги йилларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил олиб борилаётгани ҳамда бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бераётгани ва бунда парламентнинг роли алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда гендер тенгликка оид масалаларга бағишланган форумларни ўтказишга тайёргарлик жараёнлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, парламент ҳамда давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий фаоллигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, гендер тенгликни таъминлашда парламентнинг ўрни муҳим ҳисобланади.

Сухбат якунида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда келгусида аёллар ва ёшлар учун янги имкониятларни яратиш бўйича келгуси режалар белгилаб олинди.

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТЛАРИ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг билан учрашди.

Унда Ўзбекистонда ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясига тайёргарлик кўришга оид асосий вазибалар ҳамда парламент ислохотлари соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Мулоқот чоғида ассамблеянинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга тўлиқ мос келадиган «Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзусининг тарихий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон парламенти фаолиятининг ижобий жиҳатлари бошқа мамлакатлар учун намуна

бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

М. Чунгонг Ўзбекистон парламентининг Парламентлараро Иттифоқ билан самарали ҳамкорлиги учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимизнинг халқаро нуфузли ташкилот фаолиятига қўшаётган салмоқли ҳиссасини қайд этди. Учрашув якунида Тошкентда ўтказиладиган Парламентлараро Иттифоқнинг юбилей ассамблеяси халқаро парламентаризм тарихида муҳим воқеа бўлишига ва глобал муаммоларни ҳал қилишда парламентларнинг ролини кучайтиришига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ФЕНОМЕНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари Содиқ САФОЕВ билан суҳбат

— 2016 йилдан кейин Марказий Осиё моҳиятан янги қиёфа касб этмоқда. Мен бу ўринда унинг халқаро геосиёсий саҳнада ўзгараётган мақомини назарда тутяман. Сўхбатимизни шу ҳақдаги қарашларингиз билан бошласан...

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Марказий Осиёда рўй берган ўзгаришлар тўғрисида бутун дунё сиёсатчилари гапирмоқда ва бунга етарли асослар бор. Бу, аввало, минтақага бўлган қизиқишнинг бир белгиси, иккинчидан, қисқа давр мобайнида шундай бир йирик ҳудудда кескин ўзгаришлар бўлгани тарихда камдан-кам учраши билан ҳам боғлиқ, назаримда.

Келинг, 2016 йилга қайтайлик. Агар таҳлилларга эътибор қилсак, Марказий Осиёдаги вазият ростанам таҳликали — қарама-қаршилик ва зиддиятлар, мамлакатлар ўртасидаги носоғлом рақобат тобора кескинлашиб бормоқда эди. Гарчи мустақилликнинг 25 йили ўтган бўлса-да, ҳали чегараларимиз тўлиқ аниқлаб олинмаганди. Шунинг ўзиёқ ўзаро келишмовчиликларга йўл очаётганди.

Чегара йўқ, у белгиланмас экан, икки тараф ҳам даъво қилади. Бу бизнинг жой, дейди бири, кейин иккинчиси ҳам айна даъво билан оёқ тирайди. Хуллас, оғир вазият. Бу, бир томондан, беқарорликни келтириб чиқарувчи потенциал омил бўлса, иккинчи томондан, аниқ белгиланган ва халқаро эътироф этилган чегарасиз давлат давлат бўла олмаслигини оддий одам ҳам билади.

Аммо таассуфки, ўтган давр мобайнида минтақа мамлакатлари, аниқроғи, ўша пайтдаги раҳбарлар бу борадаги мулоқотга тайёр эмасди. Сиёсий элиталардаги ўжарлик, стратегик фикрлай олмаслик ва узокни кўриш қобилиятининг йўқлиги, қопарверса, дипломатик ресурслардан фойдаланиш борасидаги нўноклик туфайли Марказий Осиё чегараси ўта бахсли давлатлар ҳудуди бўлиб қолди.

Бу эса, табиийки, халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиёга тўла етилмаган, ҳали мулоқотга, ҳамкорликка тайёр бўлмаган бир ҳудуд ўлароқ қарашига сабаб бўлди. Минтақада йирик масалалар борасидаги

ўзаро манфаатли ёндашув кўзга ташланмади. Мисол учун, бизда умумий сув ресурсларидан фойдаланишдаги ягона стратегик ёндашув, мулоқот шу давргача бўлмаган. Бу эса юқорида айтганим — «портлаш»га яқин бир вазият асосини ташкил қилиб келди...

Барчамиз кўриб-билиб турган манзара шундай эдики, ҳар бир мамлакат, таъбир жоиз бўлса, қўрпани ўзига қараб тортарди-ю, умумий манфаатни ўйлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас, бир сўз билан айтганда, минтақанинг тараққиёт йўлига ўтиши фақатгина унинг яқдиллиги, ҳамжихатлиги эвазигагина амалга ошиши мумкинлиги ҳақидаги оддий ҳақиқат тан олинмасди. Шунинг учун ҳам айна масалада минтақа ҳаёти ва тақдири ҳақида гапирган кўплаб олимларнинг стратегик маъмуллик, ноаниқлик ҳақидаги мулоҳаза ва мунозараларини инкор қилиш, экспертларнинг Марказий Осиё йирик ҳарбий тўқнашувлар арасида турибди, минтақада портлаш содир бўлиши мўқарар, деган башоратларини асоссиз эди, дея олмасдик.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА ЮЗ TUTGAN ЗАМИН

Халқимизда «Яхши гапнинг қаноти бор», дейишади. 28 март кунини Президентимиз томонидан имзоланган «Орол маданият саммитини юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарор бир ёзувчи сифатида юрагимни тўлқинлантириб юборди. Биргина меннинг эмас, балки барча қорақалпоғистонликларнинг қалбига қувонч бахш этди бу хушхабар.

Ҳўш, нега? Боиси мазкур қарор оғир экологик аҳволга тушиб қолган Оролбўйи минтақасига ёрдам бериш бугун нафақат мамлакат миқёсидаги, балки бутун дунё эътиборидаги муҳим масалага айланганига яққол исботдир.

Қарорга кўра, ушбу нуфузли анжуман Оролбўйи минтақасида қўлай табиий муҳит яратиш, ҳудуднинг ноёб маданияти ва тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш, ушбу йўналишларда илмий тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар ва ижодий ташаббусларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада кенгайтириш мақсадида 2025 йилдан бошлаб ҳар ўн саккиз ойда — баҳор ёки куз фаслларида ўтказиб борилади.

Биринчи Орол маданият саммити Самарқанд

иқлим форуми билан уйғун ҳолда шу йил 4 — 6 апрель кунлари Самарқанд ва Нукус шаҳарларида юқори савияда ташкил этилади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон томонидан Орол маданият саммити лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2023 йил 22 — 24 март кунлари Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган сув ресурслари бағишланган конференциясида илгари сурилган эди. Ушбу йирик ташаббуснинг тез фурсатда ҳаётга кўчгани кишини қувонтиради.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЗ СТРАТЕГИК КУН ТАРТИБНИИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МИНТАҚАГА АЙЛАНМОҚДА

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осийё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлардаги ижобий динамика ҳақидаги сўзларини алоҳида таъкидлаган. Қайд этилганидек, сўнгги етти йилда Марказий Осийё мамлакатлари билан Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврога етди. Бу ҳолат минтақанинг Европа мамлакатлари учун истикболли ҳамкор сифатидаги роли ошиб бораётганидан далолат беради.

Машхур нашрлар, шунингдек, Президентимизнинг Самарқанднинг савдо, илм-фан ва дипломатиянинг тарихий маркази сифатидаги ўрни ҳақидаги фикрларига эътибор қаратган. “Унинг улуғворлиги турли маданиятлар, халқлар ва ғояларни бирлаштири олганида, — дея Президент Шавкат Мирзиёев сўзларидан иқтибос келтирилган. — Бугун у яна Европа ва Марказий Осийё замонавийнинг асосий муаммоларини муҳокама қилиши мумкин бўлган мулоқот майдониға айланмоқда”.

Кейинги йилларда Марказий Осийёда амалга оширилган ўзгаришлар ҳам юқори баҳоланди. Нашрларда Ўзбекистон Президентининг Марказий Осийё минтақаси ҳақидаги саволга берган жавобдан мисол келтирилган: “Сўнгги йилларда Марказий Осийё бўлган ўзгаришлар, янги кўйфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдониға айланди. Бу эса мамлакатларимиз этакчиларининг умумий сиёсий иродаси тўғрисида амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг орта қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз”.

Ўзбекистон Президентининг афғон масаласи бўйича позициясига алоҳида ургу берилган. Хорижий оммавий ахборот воситаларида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосланиб келгани ҳақидаги баёнотиға эъти-

бор қаратилди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев қўшни Афғонистондаги вазият ҳақидаги саволға жавоб берар экан, қуйидагиларни таъкидлади: “Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришға, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфратузилмасини ривожлантиришға ва кўнор майдонларини қисқартиришға йўналтиришға муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, “Толибон” 2023 йилда ғийҳванд моддалар савтисини тақиқлаганидан сўнг, Афғонистонда кўнор етиштирилаётган ерлар 95 фоизға қамайган. Афғонистонда кўнордан холи келажақ барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатишмоқда, қишлоқ хўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантирилишти”.

Нашрларда қайд этилганидек, бўлажақ “Марказий Осийё — Европа Иттифоқи” саммитининг муҳим натижаларидан бири томонларнинг стратегик шериклиги муносабатларини ўрнатишға бўлган муштарак истагини акс эттирувчи Самарқанд декларациясининг имзоланиши бўлди. “Декларация нафақат эришилган қелишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратди, — деди Ўзбекистон Президенти. — Биз инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ қелишувларға эришилшдан умидворимиз”.

Нуфузли хорижий ОАВларда, шунингдек, Ўзбекистоннинг конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига содиқлиги таъкидланиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари иқтибос ёрнида келтирилган: “Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаровонлигини оширишға хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончға асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз”.

«Дунё» АА.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Бу водород ва аммиак каби “яшил” ёқилғи, шунингдек, биоёқилғи ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи ўрниға улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. “Яшил” энергетика ва клим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осийёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришға хизмат қилади. Бу механизм корхоналарға экологик тоза технологияларға инвестициялар жалб этиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасиға айланади.

Президентимиз айтганидек, масалан, фаолият юритаётган 14 та қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳаларни амалга ошириш режа-

миз бор. Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизға етказиш режалаштирилган. Бу “иссиқхона газлари” чиқишини қарийб 16 миллион тоннаға қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж қелишуви доирасида “иссиқхона газлари” чиқиндисини 35 фоизға қамайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларининг муддати-дан олдин бажарилишиға имкон беради.

“Марказий Осийё — Европа Иттифоқи” саммити минтақамизнинг глобал энергетика бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлашға ва экологик барқарорликка қаратилган ташаббусларни амалга оширишда янги имкониятлар яратиши, шубҳасиз. Биз, депутатлар, бу жараёнларни қонунчилик ва институционал ислохотлар орқали қўллаб-қувватлашға, Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётға ўтишини рағбатлантирувчи ташаббусларни илгари суришға тайёрмиз.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЯНГИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ФЕНОМЕНИ

Мана шундай оғир бир паллада Марказий Осийё тақдирида ниҳоятда муҳим бурилиш юз берди. Минтақанинг етакчи давлати, худуддаги барча давлатлар билан бевосита чегараларға эға бўлган ягона мамлакат — Ўзбекистонға янги генерациядаги лидер — Шавкат Миромонович Мирзиёев келди. Назаримда, у киши вазиятни ва нима қилиш кераклигини ўзининг бой ҳаётий ва касбий тажрибасидан аниқ биларди. Эҳтимол, шу сабаб иш бошлаган илк кунлариданоқ айни масалада батамом янги ёндашув, янги ҳаракатлар дастурини илгари сурди. Бугун биз тўлиқ асос билан айтишимиз мумкинки, бу аслида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Марказий Осийёдаги минтақавий сиёсатға доир доктринаси эди.

Доктрина — яхлит сиёсат назарияси ва амалий дастурлар ҳаракатини ифодаловчи истилоҳ. Тарихдан “Трумэн доктринаси”, “Брежнев доктринаси”, “Рейган доктринаси” каби ибораларни кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Биз ҳозир мулоҳаза юритаётган жараёнлар эса ХХI аср Марказий Осийёдаги яқдиллик, стратегик ҳамкорликка асосланган ривожланиш доктринаси бўлди, дейиш мумкин. Мен тўлиқ ишонч билан айтаманки, айнан Мирзиёев доктринаси эвазига Марказий Осийёда вазият батамом ўзгарди.

Аввало, давлатлараро мулоқот тикланди. Зотан, унинг мавжудлиги энг муҳим унсур эди. Яъни биз энди барча масала бўйича ўзаро гаплаша бошладик.

Бу доктринанинг глобал сиёсатда тутган ноёб ўрни шундаки, у Марказий Осийёни ягона тақдирға эға бўлган минтақа ўлароқ қўришни қатъий мақсад сифатида белгиланган. Ҳақиқатан ҳам, бирон-бир мамлакат яққа ўзи ривожланиб кета олмайди. Биз бир-биримиз билан шу қадар боғлиқмизки, биримизда бошланган муаммо иккинчисида албатта бўй кўрсатмай қолмайди.

Қолаверса, ҳар бир мамлакатнинг муваффақияти бутун минтақаға ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Яъни мамлакатлар бир-бирининг ютуғидан манфаатдор.

Рақобат доимо ва ҳамма ерда бўлади. Бу — табиий ҳол. Аммо унинг характериға кўп нарса боғлиқ. Масалан, у “мен сендан зўрман”, қабилида кечса, билингки, истик-бол йўқ. Аксинча, ушбу рақобат умумманфаатли, яқдил қарашларни ўзида ифода этса, тамоман бошқача манзара намоён бўлади. Мирзиёев доктринасининг моҳиятида худди шу стратегия тиради.

Аслини олганда, ўжарлик, “мен айтганимдай бўлиши шарт!” деб қайсарлик қилишдан осони йўқ. Бирок бу йўл одамни боши берк кўчаға олиб кириб қўяди. Бу ўринда иккинчи жиҳатни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Дейлик, масалани бириглашқда, ҳамма томонни тинглаб, ҳар бир муаммони ётими билан ва ҳисобға олиб ҳал этиш истикболли эканини ҳамма билади. Бирок буни тан олиш учун кишидан катта сиёсий ирода ва қолаверса, ҳамкорлар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйишда катта маҳорат талаб қилинади.

Келинг, давомиз асосис бўлмаслиги учун оддийгина сув муаммосига бўлган умумий қарашларни олайлик. 2016 йилгача гўё бу “уйин”да қайсидир, давлат тоёси, бошқалар ўтказадди, деган таассурот бор ва бу ҳаётда реал тушунаға айланиб қолгандек эди. Бу ечим эмас, балки минтақада уйғониши мумкин бўлган беқарорликнинг қалити эди, аслида. Мирзиёев эса масалани муштарак мақсадлар йўлида уйғунлаштириш ва шу орқали мавжуд муаммони ҳал қилиш тақлифини илгари сурди. Табиийки, бундай ёндашув ҳаманин манфаатига мос келади ва муҳими, муаммо бартараф этилади. Бун аслида прерентив дипломатия ёки дипломатик маҳорат натижаси, деса ҳам бўлади.

Албатта, айни сиёсат натижасини жаҳон ўзида ҳис қилди. Шу ўринда битта муҳим фактни келтирмоқчиман. Мана шу муштараклик сиёсати натижасида халқаро сиёсат лутатида “Марказий Осийё руҳи”, деган ибора пайдо бўлди. Ва бир овоздан халқаро ҳамжамият, йирик давлатлар, қўшни мамлакатлар шуни эътироф этадики, бу ўзгаришларнинг муаллифи Ўзбекистон раҳбари, Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевдир.

— *АҚШнинг Питтсбург университети Бошқарув ва бозорлар маркази директори, узоқ вақтдан буён Марказий Осийёни ўрган қилаётган тадқиқотчи Женифер Брик Муртазашвили халқаро ОАВдан бириға берган интервьюсида минтақамизнинг бузуги геосийёсий манзарасини таҳминан мана бундай ифодалаган эди: “...Марказий Осийёни борира қўриш вақти келди. Бу энди постсовет худуди эмас. У — Евроосийё. Мен Марказий Осийёға постсовет призмаси орқали қараб келганим деб ўйлайман, унга Евроосийё суперконтинентининг юраси сифатида қаралади”.*

Айнан шу иқтибосға феълан яқин фикрни россиялик машхур тарихчи, антрополог Сергей Абашин ҳам ўтсан йили ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида қолдирди. У Ўзбекистоннинг Париж Олимпиадасидаги зафарлари ҳақида гапира туриб, шундай деганди: “2024 йилда Олимпиада фаёқлуода муҳим воқеаға айланди. Тендер ва санат мавзулари муҳокамаси билан эмас, балки, энг асосли, Марказий Осийё мамлакатлари ва айниқса, 8 та олинган медални кўзға киритиб, 13-ўринни эгаллаган Ўзбекистон спортчиларининг кўрсатган ажойиб натижалари билан эсда қолдиган бўлди (эсла-тиб ўтмоқчиман, Олимпиада ютуқлари билан бир қаторда, ўзбек шахматчилари ҳам сўнгги йилларда жаҳон рейтингига юқори ўринларни эгаллаб келатти). Спорт тилида айтганда, биз Марказий Осийё давлатлари умумбашарий миқёсда танилаётган ва тан олинаётган муҳим ўйинчиларға айланиб бораётганиға эға субьектисини аниқлаб етаётганиға узоқ бўлиб турибмиз. Бу дунёда ва собиқ постсовет худудиди ҳақиқий тарихий силжис бўлиб, ҳали узоқ давом этадиган ва шубҳасиз, табиий жараёндир”.

Ўйлаيمانки, ҳар иккала тадқиқотчи нима сиора қилаётганини тушунарли. Айтинчи, минтақанинг яхлит бир сиёсий субьект сифатида ёки янада очикроқ айтганда, “му-



ҳим актор”ға айланиб бораётганини бугун нималарда қўришимиз мумкин?

— Саволинғиз ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим. Ҳозир кўпчилик бунинг неғизиди ётган масалани англаётгани йўқ. Яъни бугун Марказий Осийё яхлит бир минтақа ўлароқ тарихий ва умум ўзлиги — идентитетини англаш ва бунинг баробарида дунёға ўзини янгидан “таништириш” йўлиға ўтди. Сиз тилға олган олимлар билан бу борада фикри муштарак бўлган экспертлар жуда кўп. Масалан, Бернард Льюис — Принстон университети профессори. У ҳам машхур тадқиқотчи эди. Унинг тадқиқотлариға турлича муносабат билдириш мумкин. Лекин халқаро илмий жамоатчилик тан олган Марказий Осийё, Ислон дунёсини чуқур ўрганган ушбу эксперт суҳбатларимиздан бирида айтган эдики, Марказий Осийё бугун жаҳон геосийёсий харитасида худди қадимий даврлар, Урта асрлардаги каби кенроқ маконнинг бир қисми сифатида балқмоқда. У Яқин Шарқ, Ҳиндистон ярим ороли, Узоқ Шарқнинг узвий қисми ўлароқ кўзға ташланмоқда. Унга эндиликда асло собиқ иттифок, совет империяси чегараларини қўллаган ҳолда қараш мумкин эмас.

Мавриди келганда, Президентимизнинг айни масалада яна бир ниҳоятда фундаментал, стратегик фикриға эътиборингизни жалб этмоқчиман: “Афғонистон Марказий Осийёнинг ажралмас қисмидир”. Эски постсовет ёндашувлари, ўлчамлари билан фикрласак, у бошқа дунё, албатта. Аммо бугунги кун воқелигидан келиб чиқилса, вазият ўзгарди: Афғонистон ҳам Марказий Осийёнинг бир қисми. Ахир қандай қилиб, дарёлари, табиати, маданияти, ўтмиши муштарак бўлган давлатни харитада кесиб ташлаш мумкин? Бундан ҳам муҳими, бу — қўшни давлатларнинг муштарак савдо йўлаклари.

Юртбошимизнинг яна бир муҳим фикри борки, у ҳам халқаро ҳамжамиятда кўп эътироф этилмоқда: “Афғонистонға хатар манбаи эмас, имкониятлар макони сифатида қарашимиз керак”. Ўз-ўзидан англашилдики, бу ўлкадаги барқарорлик барча учун тегиш манфаатлидир. Биринчидан, ушбу яқин ҳамкорлик ва тинчлик Афғонистон халқи учун узоқ йиллик орзулар рўёби бўлса, биз учун ҳам бу хотиржамлик, иқтисодий-сиёсий истикболлар эшигини очади. Сир эмас, бугун ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг Жанубий ва Шарқий Осийё билан ўртасидаги дивордек бўлиб турибди. Агар у ердаги вазият тўла тикланиб, трансфғон йўлаги барпо этиладиган бўлса, бизнинг жаҳон бозорларига чиқиш масофамиз уч-тўрт баробар қисқаради.

Ҳозир бизнинг ташқи савдо таннархида логистика чиқимлари 20 — 25 фоизгача боради. Бу — жуда катта маблағ. Ўзбекистонға энг яқин порт 3 минг километрдан узоқда жойлашган. Дунёда логистика имкониятлари чекланган биздай бошқа мамлакат йўқ деса-сам, хато қилмайман. Ваҳоланки, савдонинг энг асосий имконияти портлар, очик денгиз билан боғлиқ. Агар Афғонистон очилса, бу бизға улкан имкониятларни тақдим этади. Халқимизнинг оғири енгил бўлади, фаровонлиги ортади.

Энди бевосита саволға қайтсак, биз бугун минтақамиз, халқларимиз минг йиллардан бунён ашаб келаётган жонажон маконни қандай атасак тўғри бўлади — Марказий Осийёми, Мовароуннахрими, Туркистоними? Лўнда жавоб шундайки, қандай аташимиздан қатъи назар, минтақанинг умумий ўзлиги бўлиши шарт. Айни масалада ўртаға ҳаққоний бир савол қўйиш ҳам мумкин: Европанинг ўзлиги бор, нега айни муҳим умумқоқ Марказий Осийёда бўлмаслиги керак? Бу иддаоға қарши кимдир “минтақада ҳамма бир тилда гапирмайди-ку”, дейиши мумкин, лекин ана, Европада ҳам турли тилларда гаплашишди, лекин уларнинг муштарак қадриятлари, умумий тарихий мерос ва ўхшаш маданиятлари бор, Европа қадриятлари — бу уларники. Марказий Осийёнинг ҳам, албатта, ўз қадриятлари бор, бун биров инкор эта олмайди. Мухтарам Шавкат Миромонович айни шу омилға таянмоқда. Бу жуда ҳам муҳим.

— *Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат узрашувининг бир масууми ўтиб, иккинчи давраси старт олади. Энди бу форматни институционаллаштириш зарурати пайдо бўлмадики, деган савол туғилатми...*

— Интеграция, институционаллаштириш ниҳоятда масъулиятли сўзлар ва жараён юқори даражадаги ҳамкорликни талаб этади. Нима учун Европа — Европа Иттифоқи бўлди. Чунки улардаги ягона тизим, ягона ёндашувлар, ягона тамойиллар, андазалар ва энг муҳими, ягона, муштарак қадриятлар шуни тақозо этди. Ўйлаيمانки, Марказий Осийёға ҳали вақт бор. Биз бу ўринда қандайдир мамлакатлар, давлатлардан устун турган тузилмаларни тузиш ҳақида ўйлашдан кўра, ҳамкорликни чуқурлаштиришға қаратилган йўлларни кўпроқ ўйлашимиз керак, менимча.

Бу борада Президентимиз томонидан катта ишлар амалға оширилаётганини бугун барча кўриб турибди.

Яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида Ўзбекистон дипломатияси тарихиға бағишланган китоб тақдими ўтказилди. Ўша тадбирда Қозғоғистоннинг юртимиздаги Фаёқлуода ва мухтор элчиси Бейбўт Атамқулов шундай деди: “Ўзбекистон Республикаси лидери Шавкат Миромонович

Мирзиёевнинг Маслаҳат узрашувини ўтказиш бўйича ёрқин ташаббуси Марказий Осийё тақдирини ўзгартирди”. Бу жуда адолатли эътироф.

— *Аслини олганда, глобаллашув даврида йирик ҳамма дунё тамадуниға тасвири бўлган минтақамиздаги бундай тарихий бурилишларнинг умумэътирофи этилиши, халқаро ҳамжамиятнинг бу ўзгаришларға муносиб баҳоси ҳақида нималар дея оласиз?*

— Ташаббуслар бўлади, у қандай натижа бериши мавҳум бўлиши мумкин... Бирок бу, қозғоғистонлик дипломат тилға олган эътироф яна бир бор қайтараман, тўлиқ асос билан Марказий Осийёни катта талафот, катта портлашдан сақлаб қолган натижадир. Нима учун баъзи давлат раҳбарлари илгари сурган ташаббуслар бирор натижа берса-бермаса, улар турли халқаро мукофотлар, ҳатто тинчлик бўйича Нобель мукофотиға лойиқ қўрилади бошқаларникиға чап кўз билан қаралади? Ваҳоланки, мукофотлар тақдим этилғач, аксига олиб, тинчлик муҳити урушларға боғланиб кетган ҳолатларни ҳам тарихда кўрганмиз.

Ўзбекистондек минтақавий мақомға эға йирик давлатнинг раҳбари шундай стратегик ташаббус билан чиқиб, уни асосли дастурлар билан мустаҳкамлаб, минтақавий иқтисодиёт доктринасини ишлаб чиқаниға неға эътибор берилмаслиги керак? Мен аминманки, бу хизмат — минтақа тинчлигини сақлаб қолиш, сақлаб қолишига эмас, унинг равнақи, иқтисодий ривожланишиға ҳам катта туртки берган ташаббуслар ҳам аслида тинчлик бўйича Нобель мукофотиға тўлиқ муносиб.

Тарихдан биламизки, Марказий Осийё доимо 4 та йирик минтақа — Хитой, Ҳинд ярим ороли, Яқин Шарқ ва Урта Шарқ, ҳатто Россия ва у орқали Европада ҳам катта таъсир кўрсатиб келган. Ушбу тўрт минтақада бугун қудрат эгаллиға даъво қилаётган мамлакатлар пайдо бўлишида Марказий Осийёдан чиққан шахсларнинг ҳиссаси катта бўлган. Туркияни оласизми, Ҳиндистондаги бобурийларни оласизми, Хитой маданияти ва тамадудинини ўрганасизми, таъсиримизни аниқ сезишингиз мумкин. Бугун ҳам Марказий Осийё янги Осийёда, дунёда катта роль ўйнапти, деб тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкин.

Қолаверса, нафақат маданият ва интеллектуал салоҳият, балки Евроосийёни боғловчи асосий транспорт йўлаклари ҳам айнан Марказий Осийёда бўлган. Минтақанинг энергетик захиралари, ривожланаётган иқтисодиёти дунё бозорларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айниқса, энг йирик иқтисодиётли Хитой, ўсиб келаётган иқтисодиётли Ҳиндистон, Покистон келажагида айнан Марказий Осийёдаги захиралар катта роль ўйнаши мумкин. Марказий Осийёнинг цивилизацияцион ўрни, маданиятдаги ўрнини олинг. Бугун дунёнинг асосий муаммоси турли маданиятлар, турли цивилизациялар орасидаги низолар билан боғлиқ. Барча муаммолар шундан келиб чиқапти. Яъни ўзаро тушуниш, ўзаро ишонч танқислиги...

Марказий Осийё Ислон дунёсининг юрагида жойлашгани билан бириға, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иштирокчиси ҳамдир. Айнан шу ерда турли маданиятлар, динлар, цивилизациялар ўртасида мулоқот доимо бўлиб келган. Ва айни мультиткультурализм ҳам дунё ҳамжамиятиға намуна бўлиши мумкин. Бугун Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат ҳам айнан Марказий Осийёнинг ривожини таъминлашға қаратилган билан эътиборға моҳим. Бу фақат минтақавий эмас, глобал аҳамиятға эға ютуқ, аслида.

— *Ўзбек дипломатиясининг бузуги, ўзига ҳос бир қийёсининг чизилари нималарда яққол кўринади?*

— Тарих сабоқлари, ундан тўғри ҳулоса чиқариш — муваффақиятли ривожланиш, таракқийётнинг энг муҳим талабларидан бири. Нима учун ўтмишда Марказий Осийё, дейлик, Ўзбекистон худудиди пайдо бўлган давлатлар ўз мавқеи, кучи, таъсири бўйича ҳозир биз энг йирик, глобал давлатлар деб билидиган мамлакатлардан бекиёс равишда устун турган? Одамнинг ишонини қийин, IX — XI асрларда Марказий Осийёда, Самарқандда зарб этилган дирҳам пул бирлиги ўша пайтда жаҳон савдосининг 60 — 70 фоизини таъминлаб берган. Худдики, бугунги доллардек. Ҳатто Скандинавиядаги викинглар ўз ўлжаларини дирҳамға айлантиришға ҳаракат қилгани ҳақида тарихий манбаларда келтирилган. Чунки ўша пайтдаги энг кучли валюта, пул бирлиги Самарқанд дирҳами бўлган. Нима учун?! Чунки унинг тағида иқтисодиёт, фан, ҳарбий куч ва салоҳият ётади.

Савол туғилади: бундай муваффақиятға қандай эришилган ва неға у йўқ бўлди? Ва биз қандай қилиб, ўша Ренессансини қайта “уйғотишимиз” мумкин?

Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, Марказий Осийёнинг гурураган, гуллаган пайтда узоқ масофали савдо учун имкониятлар яратилган эди. Яъни савдо муҳим. Лекин бу яқиндаги шаҳар ё қишлоқ билан савдо қилиш эмас. Самарқанддан Корея, Византия билан савдо алоқаларини ўрнатиш, нафақат товар айирбошлаш, балки ғоялар,

фан, маданият айирбошлаш дегани эди. Узоқ масофали савдо учун яратилган имкониятлар ҳуқуқий, ҳавфсизлик нуқтаи назаридан таъминланган бўлади. Шу боис ўша даврларда бу ерда маданият, фан ривожланган. Чунки ўзини ўзи бойитувчи маданиятлар учун имкониятлар яратилган. Бугун Ўзбекистонда амалға оширилган ташқи сиёсат, яъни очиклик ва кўп векторлик мана шу тарих сабоқларидан келиб чиқмоқда, деб ҳисоблайман.

2016 йилгача биз шуни эсдан чиқардик. Қўшнилар билан ҳатто чегараларни минлаштириб ташладик. Минтақада ички савдо атиги 8 фоизни ташкил қилган. Охириги 5-6 йил мобайнида эса Марказий Осийёдаги минтақавий савдо бир неча баробарға ортиб, 11 миллиард долларға етди. Бу Президентимиз олиб бораётган ташқи сиёсат натижаларидан, тарих сабоқлари ва уларни қандай татбиқ этишининг мисолларидан бири. Шу аснода биз кўриб турибмизки, Ўзбекистоннинг янги дипломатияси пайдо бўлди. Бугун Ўзбекистон ташқи сиёсатини ҳамма билади, танийди. Унга прагматизм, яъни мақсадға қаратилганлик, виқор, салмоқлилик хос. Ташаббускорона харақтерға эға у.

Илгари даврларда қутиб, вазиятға қараб ўтирардик. Бирор ҳодиса бўлдим, унга мослашишға ҳаракат қилардик. Бу фаол эмас, пассив сиёсат. Дипломатияда “Превентив дипломатия”, яъни олдиндан кўра билиш деган ибора бор. У ғалаба келтиради. Ана шу боис Ўзбекистон сўнгги 7-8 йил мобайнида БМТ бир овоздан қабул қилган 10 дан ортиқ резолюциянинг муаллифи бўлди. Бошқа йирик глобал давлатлар бундай самара кўрсата олмади. Бу резолюциялар ҳавойи эмас, бевосита халқлар олдида турган муаммолар ечимиға қаратилган. Масалан, Орол денгизи муаммоси, Марказий Осийёда консулъятеи маслаҳатлашув узрашувларини таъсис этиш, парламентларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш — буларнинг ҳаммаси Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган резолюцияларнинг қабул қилинишидир.

Биз яқинда ҳисоблаб чиқдик. Сўнгги йиллар мобайнида турли даражадаги глобал ва минтақавий катта узрашувларда, фақат БМТ эмас, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ мамлакатлари, Марказий Осийё билан боғлиқ халқаро форматларда Ўзбекистон томонидан 300 дан ортиқ ташаббуслар илгари сурилган. Бу ташаббуслар бир кунда яратилмади. Уларнинг замирида чуқур таҳлил, ҳисоб-китоб, оқибат-натижаларини тўғри билиш ётади. Бу янги Ўзбекистон дипломатиясининг салмоқли, салобатли, прагматик ва ташаббускорона харақтерға эға қийёсасини кўрсатади.

Минтақа макомиға эға давлатларнинг ривожини, таракқийёти атрофидаги мамлакатлар тақдирини белгилайди. Ўзбекистон ҳам худди шундай давлатға айланиб бормоқда. Бу халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Демакки, сўнгги йилларда яна бир муҳим бурилиш рўй бермоқда. Ўзбекистон нафақат минтақавий, балки умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш борасида ҳам фаол ҳаракат қилмоқда. Масалан, айнан Ўзбекистон раҳбарияти бутун дунё экологик талафот бўсағасида тургани ҳақида БМТда гапирмоқда. Президентимиз бугун давлатлар ўзаро зиддиятларни четта суриб, битта кемада эканимизни англаб етиши кераклигини уқтирмоқда.

Трансчегаравий — чегарани билмайди-ган ҳавф-хатарлар деймиз. Ҳеч бир мамлакат уни ҳам, экологик масалаларни ҳам танҳо ўзи ҳал қилолмайди. Халқаро муаммоларға ўзаро ҳамкорликда ечим топиш керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон дипломатияси тарих сабоқларидан ҳулоса чиқарган ҳолда, ҳам умумбашарий, ҳам умумминтақавий муаммоларни ҳал этишға доимо тайёр.

Мана шундай сиёсий доктрина ва дипломатик муваффақиятлар замирида нафақат тинчликни сақлаш, балки уни мустаҳкамлаш, минтақани умумий таракқийёт сари етаклаш принципи ётади. Бугун Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтётган “Марказий Осийё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити айнан шу мафқураининг мантиқий давоми, амалдаги исботидир. Президентимиз раислигида ўтётган мазкур саммит нафақат Европа ва Осийё ўртасидаги яқинлашув рами-зи, балки янги Ўзбекистон дипломатиясининг янги босқичға кўтарилганини кўрсатувчи воқелиқдир.

“Келажакка сармоя киритиш” шиори остида ташкил этилаётган бу саммит — мамлакатимиз ташқи сиёсатининг фақат иқтисодий эмас, балки цивилизацияцион, умуминсоний тамойилларға таянган ҳолда шаклланаётганини кўрсатади. Европа Иттифоқининг етакчи раҳбарлари, Марказий Осийё давлатлари Президентлари, халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирок этётган ушбу анжуман — янги геосийёсий архитектура



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ЗАМИН

Бу каби лойиҳалар бир вақт-лар муаммолар гирдобига чўкиб кетган Оролбўйи ҳудудида бугун янги нурафшон тонглар отаётганининг яна бир ифодасидир.

Шу ҳақда гап кетар экан, ўтган асрда собиқ Иттифок ҳукумати томонидан қишлоқ ҳўжалиги бўйича охирини ўйламай олиб борилган нотўғри сиёсат оқибатида ҳудудда кескин вазият вужудга келган ёдга тушади. Бу ердаги экологик инкироз туфайли аҳолининг тирикчилиги ўтмай қолганди, турли касалликлар, болалар, хотин-қизлар ўлими кўпайганди.

Оролбўйидаги мураккаб ҳолатни чуқур билган ва халқ дардини юракдан хис қилган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани хали-ҳамон эсимда. Бу ташрифни халқимиз юксак баҳолаган ва ниҳоят, минтақада оғир шарт-шароитлар яхши томонга ўзгаришидан умидвор бўлган эди.

Шукри, ёруғ умидлар ҳаётда ўз ифодасини топди. Уша ташрифдан кейинки барча мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар жалб қилинган ҳолда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила ва маҳалла институтларига эътибор қаратиш, аёллар ва ёшларнинг ҳаётиятдаги ўрни ва маъқенини ошириш каби қатор ўта муҳим масалалар зудлик билан ҳал этишга киришилди.

Натижада кейинги 8 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳалари жадал ривожланиш палласига кирди.

Ҳаёт тўхтаб қолмади

Сайёрамиздаги энг катта қўларнинг тўртинчиси бўлган Орол денгизининг қуриши дунёдаги йирик экологик фожиа экани бор гап. Бир пайтлар мавжланиб, ўфқларга туташиб кетган Орол денгизи бир инсоннинг ўртача умри давомида қуриб-қақшади. Унинг бағрида яйраб юрган беҳисоб жониворлар, ўсимликлар, соҳилларида сув қўшлари ёввойи ҳайвонлар бирин-кетин йўқолиб борди.

Кемасозлик, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ривожланган минтақа иқтисодиёти, балиқчилик, қорвачилик ва мўйначилик билан кун кўрган аҳоли турмуши инкирозга юз тутди. Бир пайтлар йилга 40 минг тонна балиқ овланган Орол денгизда қирққа яқин турдаги балиқлар бўлган экан. Иккинчи жаҳон уруши пайтларида Мўйноқ консерва комбинатида 5 минг нафаргача ишчи ишлаган. Денгизнинг қуриши оқибатида минтақада 70 фоиз экан майдонларининг мелиоратив ҳолати пасайди.

Ҳаёт тўхтаб қолгандек эди гўё. Орол денгизининг шўрланганлик даражаси деярли 25 маротаба ортиб, дунё океанлари минераллашуви кўрсаткичига нисбатан 11 баробар кўпайди.

Денгиз ўрнида ястанган саҳродан кўтарилаётган туз ва кум йилгига юз миллион тоннадан зиёددигини олимларимиз ҳисоблаб чиқишган. Тузли чанг зарралари ҳатто Антарктида соҳиллари, Гренландия музликлари, Норвегия ўрмонлари, Япония боғларида, бордингач, Ер сайёрасининг ҳамма ҳудудида топилимоқда.

Оролбўйи ҳудудидаги тўқайзорлар майдони деярли 90 фоизга қисқарди. Денгизнинг қуриши оқибатида транспорт, балиқчилик, қорвачилик, мўйначилик ва бошқа аънавий фаолият турлари таназзулга учради, ишсизлик авжига чиқди. Аҳоли ўртасида камқонлик, онкологик касалликлар кўпайди.

Орол ҳудудида очилган, “Кемалар қабристони” номи билан машҳур бўлган қумга ботган кемалар музейи ўтган фароғатли йиллардан хотира бўлиб қолди...

Қорақалпоғистонлик соҳир овоз соҳибаси Азада Қарлибаева ҳамда созада Гумисай Бердиханова жўрлигидagi ўнларларни тинглаганимизчи? Улар “Орол денгизи шамоллари” лойиҳаси бўйича Европа давлатларида ижодий сафарда бўлганда мухлислар баҳши қизининг мунгли овозидан, гарчи қорақалпоқ тилига тушунишмасида-да, юракларга етиб борган оҳангдан мутаассир бўлишди, миждаларда ёш халқланди...

Азадининг гапмин хоншилариди Орол денгизги фожиаси намоян эди. У инсониятнинг атроф-муҳитга эътиборсизлиги оқибатлари ҳақида қўйлади. Денгизнинг ўлик қирғоқлари кемалар қабристонига айланганидан дардини тўлиқ солди. Бугун қорақалпоқ элида олиб борилаётган ислохотлар халқнинг кўнглига чирок ёққани, уларда эртанги кунга ишонч уйғотгани ҳақида ўнларлар айтди...

Бу — бор гап. Ўтган йиллар мобайнида Орол денгизги фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида қилинаётган сайёҳаракатлар, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури доирасида Нукус шаҳри, унинг атрофидаги туманлар ҳамда овуларда амалга оширилаётган ишлар қўлами йил сайин кенгайиб борапти.

Бу борада 2018 йилда Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳафсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондига асос солинди. 2021 йилда “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги БМТ резолюцияси қабул қилинди. Минтақани молиялаштириш, унинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил масканлар яратиш мақсадида

14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди.

Ҳамжихатликда ҳикмат кўп

Статистика нима дейди? Ҳисоб-китобларга қараганда, бугунги кунга келиб сувнинг ҳажми 14 баробар камайди ҳамда денгиз ўз соҳилидан бир неча юз километрга чекинди. Сувсиз қолган майдонда 6,2 миллион гектардан ортиқ қумли ва тузли чўл пайдо бўлди. Шунинг 3,2 миллион гектар қўйи Ўзбекистон ҳудудида тўғри келади. Қолган қисми Қозоғистон ҳудудида жойлашган.



Нима қилиш керак? Фожианинг оқибатини қутиб, қўл қовуштириб ўтириш қанчалик тўғри?

Ахвол жуда оғир эди. Президентимиз 2016 йилда Шуманай туманида сайловчилар билан бўлган ўрашувда кечис-доғжалар гирдобига қолган халққа далда берар экан, шундай деган эди: “Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овуларга-ча кириб борамиз. У ерда иқтикомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз...”

Шундай бўлди ҳам. Президент ўтган йиллар мобайнида ушбу минтақада амалга оширилаётган янгиланиш ва бунёдкорлик ишларини ўзи назорат қилди, ҳар гал Қорақалпоғистонга ташриф буюрганда, оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, уларнинг дуосини олди, янги-янги қорхоналар бунёд этиш мақсадида киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириб берди.

Балки бу янгиланишларни ўз кўзи билан кўрмаган одам учун бир ҳикоя, эртангамо гапга ўхшаб туюлар. Лекин қуриган Орол денгизи бўйида бажарилаётган ишлар қўламини тасаввур қилиш учун одам у ерга ҳеч бўлмаса, бир маротаба бориб ўз кўзи билан кўриши керак.

“Қўлдан қўш ҳам қутулмас”, дейдилар. Ўтган 40 йил давомида Оролқумга 400 минг гектар саксовул экилган бўлса, умумийлиги ҳашар бошлангач, унинг 2 миллион гектардан ортиқ қисмига саксовул, қорабурок, қандим, черкез каби чўл ўсимликлари уруғи экилди, яшил қопламалар барпо этилди.

Орол бўйларида бугун яна ҳаёт жонланди. Бу орада ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини яхшилаш бўйича миллий дастур ишлатиб қилинди. Бугун улкан микёсдаги яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари натижасида Оролқум саҳроси яшилликка бурканмоқда, флора ва фауна олами яна бўй кўрсатмоқда.

«Маданият Мўйноқдан бошланади»

Президентимиз 2018 йил Қорақалпоғистон Республикасига қилган навбатдаги ташрифида аҳолининг турмуш тарзи билан танишишни Мўйноқ туманидан бошлади. Қўчалар ўйдим-чуқур, фаолияти тўхтаган, мунғайган қорхоналар, бинолар фаёзсиз. Бир пайтлар гуруллаб турган Мўйноқ аэропорти харабига қолган. Хонадонлар ночор аҳолига келиб қолган, қашшоқлик, ишсизлик авж олган. Аҳолини зудлик билан ўнглаш, халқнинг кўнглини кўтариш керак эди.

Давлатимиз раҳбари бундай оғир ахволни ўнглаш учун “Маданият Мўйноқдан бошланади” деган шioriни ўртага ташлади, ўзи биринчилардан бўлиб, енг ишмариб ишга киришди. Бунга кўрган ёшлар, оқсоқолларнинг кўзлариди умид учкунлари порлади, улар ҳам гайрат катта мислини белга боғлашди. Ҳудудга қаммаблаглар, инвестициялар жалб этилди, қўчаларга қайтадан асфальт ётқизилди, унинг четларига дов-дарактлар, гуллар экилиб, яшил ҳибёонлар барпо қилинди. Ўйлар қайта таъмирланди, қорхоналар қайта ишга туширилди. Янги замонавий тураржойлар қурилиб, аҳолига берилди.

Президентимиз бу орада яна бир марта Мўйноққа ташриф буюриб, ободончилик ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш, мўйноқлик ёшувилар, маҳалла раислари, ёшлар билан учрашди. Ҳудудда рўй бераётган янгиланишлар Мўйноқ элида умид, келажакка ишонч уйғотганига гувоҳ бўлди.

Туман истиқболига оид режаларни амалга оширишга киришилди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш йўналишида қўлаб лойиҳалар ҳаётга таътиб қилинди. Ижтимоий соҳа объектилари қурилди, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қайтадан тикланди. 10 та ҳусусий мактабга таълим муассасаси, “Янги Мўйноқ” шаҳарчасида дастурлаш-

ни чуқур ўргатишга иختисослаштирилган инновацион мактаб, болалар мусика ва санъат мактаби, ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди. Стадион мактаб болалар ва ўсимирлар спорт мактаби биноси реконструкция қилинди. Туман марказидан ажратилган 10 гектар майдон ўрнида маданий дам олиш маскани, 2 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, Ёшлар маркази бинолари қад ростлади.

Туризмга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Туман марказида “Хунармандлар аллеяси” ҳамда “Балиқчилар қишлоғи” ташкил этилди. Нукус — Мўйноқ — Орол денгизи йўналиши бўйича самолёт ва вертолётлар қатновини йўлга қўйиш мақсад қилинди.

2022 йил 23 февралда эса қайтадан таъмирланиб ишга туширилган Мўйноқ аэропортига Тошкентдан кўтарилган биринчи рақамли борт, яъни Президент ўтирган самолёт кўнди...

“Мўйноқда рўй бераётган ўзгаришлар, кўзларингиздаги ҳаётдан мамнунлики кишини қувонтиради. Бу узок-узок ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижасидир. Агар ким-ди бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин, маданият — Мўйноқдан бошланади”, деди Президентимиз.

«Бу дунёнинг кўрки — одам боласи»

Қорақалпоқ халқининг мумтоз шоири, адабиётимизда ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир Аҳминёз бобомиз: “Бу дунёнинг кўрки — одам боласи”, дея таъкидлаган эди. Бу “Дунёни обод қилиш одам боласининг қўлида”, деган маънони англатса, не ажаб!

Ислохотлар, янгиланишларнинг таянч нуқтаси бўлган Қорақалпоғистонда яшаётган, кўнглида эзгу мақсад бўлган ҳар бир инсон бугун Ватан ободлиги учун фидойийлик билан меҳнат қилмоқда, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон Респуб-



ликасига хорижий сармояларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, қўша лойиҳалар ишлаб чиқиш, контрактация соҳаларига мутлақ янғича ёндашиш, ҳамкорлик доираларини кенгайтириш, замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан самарали фойдаланиш орқали ривожланишнинг янги поғоналарини эгаллашга эришилди.

Бу ҳақда шунчаки гапирмасдан, ўяр рақамларга мурожаат қиламиз.

Ўтган 2024 йилда инвестиция, маҳалалар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини уй-йў билан таъминлаш ва бошқа давлат дастурлари доирасида 8 трлн. 553,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, олдинги йилнинг шу давридагига нисбатан 107,4 фоиз ўсишга эришилди.

Инвестиция дастури доирасида 152 та объектда 886 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилди ва 118 та объект фойдаланишга топширилди.

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш мақсадида дастурлар доирасида 1026 км. ички йўллар таъмирланишига эришилди. Шундан 104,7 км. қисми асфальтланди ва 921,3 км. тупроқ йўллар қум-шағал аралашмали йўлларга айлантирилди. Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки иштирокидида “А — 380” Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу автомобиль йўлининг бир қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида 232 км. цемент-бетон қопламали йўл ётқизиш ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилди.

Сўнгги икки йилда Президентимизнинг Қорақалпоғистонда барча соҳани ривожлантириш ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган 14 та Фармон ва қарори, ҳукуматнинг 25 та қарор ҳамда фармойиши қабул қилинди. Қорақалпоғистон ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар АҚШ, Франция, Италия, Испания, Нидерландия, Португалия, Болгария, Канада, Австралия, Миср, Исроил, Тайланд, Бирлашган Араб Амириклилари ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокидида қорхоналар сони минтақада 196 тани ташкил этиб, 2016 йилдагига нисбатан 3 баробар ошди. Бугунги кунда “Uz-Kor Gas Chemical” қўша қорхонаси, Қўнғирот сода заводи каби йирик экспортчилар қаторида “Нукус Мед Тек”, “Ориент Технолоджи”, “Себу Артемия”, “Амударё-

текс”, “Кантекс Инвест”, “Корпорация Арал Сан Бао”, “Биогурус”, “Ланэкстракт” ва бошқа экспортёр қорхоналар ташқи бозордан ўз харидорларини топиб, Қорақалпоғистон ҳудудида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида кала-ва ип, чарм, тиббий анжомлар, артемия цистаси, қизилмиш илдизи экстракти, тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Қорақалпоғистон учун қўлланилаётган имтиёзлар ва преференциялар ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, хорижий ҳамкорларнинг кўпайишига, шунингдек, янги экспортбоп маҳсулотлар яратилишига замин бўлди. Саноат қорхоналари томонидан 150 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Оролқум ўрнида яшил воҳа

Юртимиз бўйлаб қузатилаётган сув танқислиги Амударёнинг энг қўйи қисмида жойлашган Оролбўйи минтақасига янада кескин таъсир кўрсатиши табиий, албатта. Лекин ушбу минтақада сув таъминотини яхшилаш масаласи ҳамиша Президентимизнинг диққат эътиборида.

Тарихдан маълумки, хали цивилизация пайдо бўлмасдан олдин ҳам одамлар дарё бўйларини макон тутган. Чўнки сув — ҳаёт манбаи, тириклик ва мўл ҳосил гарови ҳисобланади. Қорақалпоғистонда кейинги йилларда тегишли қарор ва дастурлар асосида сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, пахта майдонларида томчилатиб, галла майдонларида ёмғирлатиб сугориш ҳамда бошқа тежамкор усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, ҳудудда энг самарали сув тежовчи усул саналган лазер ускунаси ёрдамида ер майдонларини текислаш бўйича кенг қўламини ишлар амалга ошириляпти.

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистоннинг 10 та ҳудудида аэробιολογик мониторинг тизими йўлга қўйилди. Денгизнинг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдон барпо этиш бўйича иш олиб борилмоқда. 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга етказиш белгиланган. Бу — умумий ҳудуднинг 78 фоизи, демакдир. Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишини олдинчи олиш”-га қаратилган дастурлар асосида 300 миллион АҚШ доллар қўйматидаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Шаҳар ва туман марказларида ҳар 50 — 100 минг аҳоли учун жамоат паркларини ташкил этиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, жорий йилда шаҳар ва туман марказларида 64 гектар майдонда боғлар яратиш, тез ўсувчи ва бошқа дарактлар плантацияларини 100 гектарга етказиш бўйича иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунгача ташкил этилган боғлар майдони 61 гектар, тез ўсувчи дарактлар плантациялари ҳудуди эса 62 гектарга етди.

Таълим биринчи ўринда

Ҳар қандай даврда ёш авлод таълим-тарбияси асосий ўринда қўйиб келган. Ай-нчиси, бугунгидек ҳаётимизга ахборот технологиялари тобора кириб келаётган глобаллашув жараёни болалар таълим-тарбияси янада эътиборлироқ бўлишни тақозо қилади. Бинобарин, тарбияда тананафус бўлмайди. Бу борада кетма-кетликдаги оила, мактабгача, мактаб, ўрта махсус ҳамда олий таълим муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, соҳада давлат-ҳусусий шериклики рағбатлантириш борасида қатор қарорлар қабул қилинди.

Нукус шаҳрида Президент мактаби, Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби, Опера ва бахшичилик мактаби, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Темирбурчлар мактаби” қад ростлади. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари билан бирга ушбу махсус мактаблар ўқувчилари нафақат Ўзбекистон, балки дунё микёсда юқори натижаларга эришаётди. Иктисослаштирилган мактаблар Нукус шаҳри ва туманларда ташкил этилмоқда. Уларда таҳсил олаётган ўқувчилар IELTS сертификатига эга бўляпти. Умумтаълим мак-



Ўрозбой АБДУРАХМОНОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

табларида бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқат билан таъминланиши Оролбўйи аҳолиси фарзандларига қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир.

2016 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 6 та олий таълим муассасаси фаолият юритарди. Соҳада олиб борилган кенг қўламини ислохотлар натижасида бугунги кунда улар сони 10 тадан ошди.

2023 йилда Президентимиз Фармони билан Қорақалпоғистон Республикасида доимий истиқомат қиладиган ва умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларини тугатган ёшлар учун давлат гранти асосида қўшимча 3 мингта квота ажратилди.

Кам таъминланган оилаларда вояга етаётган қизларни ҳамда маданият, спорт соҳаларида республика ва дунё микёсда меваффақиятларга эришган иқтидорли ёшларни олий таълимга қамраб олиш мақсадида махсус имтиёзлар берилди. Ҳар йили 6,5 минг нафар йигит-қизнинг вилоятлардаги давлат олий таълим муассасаларига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилиниши йўлга қўйилди.

Санъат халқнинг жону дили

Шоир Ибройим Юсуповнинг “Дем бермексе деми жеткен қарындас”, деган шеърини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Тамара Дошумова қўшиқ қилиб, маромига етказиб ижро этган. Қўлаб инсонлар ҳар сафар Қорақалпоғистонга келса, “Дем бермес”нинг баландаб кетган авжини эшитиши келади. Яна бир ўзига ҳос овоз соҳиб — халқаро мукофотлар совриндори Женисбек Пиёзовдир. Унинг бобоси, Қорақалпоғистон халқ артисти Зийнед Пиязов, отаси, онаси, укалари — барчаси санъат соҳасида танилган, кўзга тушган инсонлар. Бугунги кунда ушбу санъаткорнинг шогирдлари ҳам кўпаймоқда.

Санъат ёшдоилари “Қорақалпоғистонликларга овозни худо берган”, дея беҳиз айтмайди. Бу маконнинг кенг далалари, ўркан-ўркан қўмлари, обод овуллари иқтидорли фарзандларни кўнглига илҳом бағишласта, ажаб эмас. Ўзбекистонга танилган Тамарахонимнинг замондоши, “Саҳро бўлиб” деган ном олган Ўзбекистон халқ артисти Ойимхон Шамуратова, таниқли қўшиқчилар Арзигул Атамуратова, Гулкан Ширазиева, Даятбай Қайипов, Эшон баҳши, Амет баҳши ва бошқалар қорақалпоқ аҳлининг фахр-ифтихори саналарди.

Театрлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йиллардан салкам юз йиллик тарихга эга бўлган Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри “академик театр” деган юксак макомга эга бўлди.

Миллий маданият, санъат, адабиёт ҳар донм тарихий воқеаларни, оруз-армонларни ўзида ифода қилган. Хали ишга тушганига кўп вақт бўлмаган Ўзбекистон давлат



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

консерваториясининг Қорақалпоғистон бўлими, опера ва халқ миллий чоғулари мактаблари, ҳар бир туманда, овулларида очилган санъат, мусика мактаблари иқтидорларни излаб топиб, қўшиқчилик санъатини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу санъат йўналишидаги ўқув муассасаларида халқимизнинг мингглаб иқтидорли ёшлари таҳсил олмақда. Шундай имкониятлар яратилганидан шодланган ёшларнинг ўз касбини эгаллашга бўлган интилишини уларнинг ёниб турган қўзларидан англаш қийин эмас.

«Қорақалпоғистон бўйлаб саёҳат қил!»

Бугунги кунда Қорақалпоғистон дунёнинг энг ноёб 16 та туристик масканидан

бирига айланди. Буюк Британиянинг туризмга иктисослаштирилган “Bradt Guides” нашриётининг 2023 йилда саёҳат қилиш учун тавсия этган дунёнинг энг ноёб туристик ҳудудлари рўйхатидан Чили, Коста-Рика, Исроил, Эстония ва бошқа сайёҳларни жалб қилувчи ноёб масканлар қаторида Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўрин олди. “Bradt Guides” экспертлари Мўйноқ туманида янги аэропортнинг ишга тушиши ва келгусида тезюрар поездларнинг йўлга қўйилиши натижасида Қорақалпоғистонга бориш янада қўлай бўлишини алоҳида қайд этган.

Қорақалпоғистонда маданий-тарихий, зиярат, археологик, гастронмик ва бошқа туризм йўналишларида кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Бу ерда Бутунжаҳон моддий мероси объектилари рўйхатига киритилган қадимий қалъалар, 288 та маданий мерос объекти бор. Улардан Тупроққалъа, Аёз қалъа, Қўйқирқилан қалъа, Катта Гулдурсун қалъаси, Пир қалъа, Анқа қалъа, Кўргошин қалъа ва Жонбос қалъа энг машҳурлари бўлиб, бу обидаларга келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Қорақалпоғистон ҳудудида меҳмонхоналар тизимини диверсификация қилиш, яъни ҳудудда 4 ва 5 юлдузли меҳмонхона ташкил этиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун транспорт-логистика тизимини яхшилаш, ҳусусан, маҳаллий ҳамда хорижий авиа ва темир йўл қатновларини йўлга қўйиш, туризм соҳасида касб-ҳунар ва олий таълим сифатини ошириш каби қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Қорақалпоқ давлат университетида Қорақалпоғистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда “Туризм лабораторияси” очилди.

Зиярат туризмига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Беруний туманида жойлашган “Султон Увайс бобо”, Мўйноқ туманидаги Ҳаким ота — Сулаймон Боқирғоний зияратгоҳлари маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда. Шунингдек, Орол денгизи, Судочье қўли ва Устюрт платоси имкониятларидан самарали фойдаланиб, Орол денгизининг суви сақланиб қолган ҳудуд — “Ақ тумсиқ” атрофида туристик мажмуа ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 20 та тикланган ўтов ва хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳларнинг овқатланиши, дам олиши учун қўлай шароитлар ярат

ЎЗА якуни — 00.08 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6